
Ҳуқум муҳокама қилинди

Ўзбекистонда фуқароларнинг тинч ҳаёт кечириши ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончининг ортиши ушбу органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилганлик даражасига боғлиқдир.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси хавфсизлигини шунингдек қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг раиси О.Хасанов Бешариқ тумани Марказий шифохонасида шифокорлари билан бирга суд ҳукми ва хусусий ажримни муҳокамасида иштирок этди.

Суд раиси О.Хасанов ҳукм ва хусусий ажримни ўқиб эшиттирди.Тадбир сўнггида иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоблар берилди.



2022-06-23 16:58:35